



РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ, ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШДА ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНАЛИСТИК МУАММОЛАРИ

Курамбаев Тохир Хосинбаевич

ИИБ Академияси Киберҳуқуқ кафедраси бошлиғи,
ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870539>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-avgust 2026 yil
Ma'qullandi: 08-avgust 2026 yil
Nashr qilindi: 10-avgust 2026 yil

KEYWORDS

Рақамли далиллар,
далилларни тўплаш ва
текшириш, транзакция
занжири, банк сири, электрон
маълумотлар алмашинуви,
“Турон” сунъий интеллект
базаси, рақамли излар.

ABSTRACT

Мақолада рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида электрон маълумотларни олишнинг назарий ва амалий муаммолари таҳлил қилинган. Транзакция занжирларини ўрганишдаги тўсиқлар, банк сири институти ва электрон ҳужжат алмашинув стандартларининг ўқлиги очиб берилган. Хорижий давлатлар тажрибаси асосида тергов органлари фаолиятини “Турон” сунъий интеллект базаси билан интеграция қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Жамиятнинг рақамли трансформацияси инсоният фаолиятининг барча жабҳаларини, шу жумладан молия-кредит тизимини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши кескин ортиши билан бирга, молиявий соҳадаги жиноятчилик ҳам янги, юқори технологик ва трансчегаравий шаклларга ўтди. Замонавий кибержиноятчилар анъанавий ўғрилик ва фирибгарлик усулларида воз кечиб, ахборот технологиялари, шу жумладан электрон тўлов тизимлари ва виртуаль активлардан фойдаланган ҳолда мураккаб жиноий схемаларни яратмоқдалар.

Бугунги кунда жиноят ишларни тергов қилиш жараёнида далилларга бўлган талаблар тубдан ўзгарди. Хусусан, рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолияти исбот қилиш жараёнининг ўзагига айланмоқда. Амалдаги криминалистика ва жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи назаридан, терговчи ёки суриштирувчи жиноят изини қувишда асосий исботлаш воситаси сифатида транзакция занжири (молиявий маблағларнинг электрон тармоқлар орқали амалга оширилган кетма-кет ўтказмалари тизими) билан ишлашга тўғри келади. Бироқ, бугунги кундаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига кўра, тергов ҳамда тезкор қидирув органлари нинг банк ва тўлов ташкилотларидан зарур электрон маълумотларни тезкор ва тўлиқ ҳажмда олиш механизми ҳанузгача замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Бу эса, рақамли далилларни ўз вақтида тўплаш ва уларни холисона текширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида рақамли далилларни тўплаш жараёни кўпинча катта ҳажмдаги молиявий оқимларни таҳлил қилиш билан боғлиқдир. Масалан, жиноий схемалар кўпинча қуйидагича кўринишда

амалга оширилади: жиноят натижасида қўлга киритилган маблағлар бирламчи картадан 10 та картага, улардан сўнг 20 та, кейин эса яна 100 та турли шахслар номига очилган карталарга сочилиб кетади. Бундай кўп босқичли транзакциялар занжирини текшириш ва баҳолаш жараёнида учта фундаментал муаммо юзага келади:

1. *Рақамли далилларни тўплаш муддатининг чўзилиб кетиши:* Трансакциялар сони миллионлаб бўлган шароитда далилларни процессуал жиҳатдан расмийлаштириш реал вақт режимида амалга оширилиши шарт. Бироқ амалда бу жараён бир неча ой вақт талаб қилмоқда.

2. *Маълумотларнинг унификация қилинмагани ва текшириш мураккаблиги:* Олинаётган рақамли ахборотларнинг қатъий белгиланган ягона формати йўқ, бу эса уларни баҳолашни қийинлаштиради.

Интеграциялашган рақамли платформанинг тўлиқ эмаслиги: Республикамизда 50 дан ортиқ тўлов ташкилотлари ва 2 та тўлов тизими оператори мавжуд бўлиб, уларнинг Марказий банк ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ягона базаси билан тўлиқ интеграцияси таъминланмаган.

Ҳозирги кунда амалиётда жорий этилган “Cardblock” тизими фақатгина маълум бир чекланган шароитда, яъни барча транзакциялар фақатгина “HUMO” ёки аксинча, фақатгина “UZCARD” пластик карталари орқали амалга оширилгандагина автоматлаштирилган тарзда ишлайди. Бироқ, замонавий кибержиноятчилар (“ақилли фирибгарлар”) бу тўсиқни четлаб ўтиш учун пулларни олдин “HUMO”, сўнг “UZCARD”, ундан кейин яна “HUMO” ва яна “UZCARD” тизимлари ўртасида алмаштириб ўтказиш орқали транзакцияларни аралаштириб юборадилар. Бундай вазиятда рақамли далилларни шакллантириш фақат қоғоз ёки электрон почта орқали йўлланадиган алоқа хатлари орқалигина олиш мумкин бўлиб қолмоқда. Республика бўйлаб кунига минглаб шундай амалиётлар бажарилиши ҳисобига, қўлда сўров юбориш ва жавоб кутиш орқали далилларни ўз вақтида тўплаш имконсиздир. Оқибатда, жиноий маблағлар қисқа фурсат ичида криптовалюта активларига айлантирилиб, трансчегаравий тарзда чет давлатларга чиқиб кетишига шароит яратилмоқда.

Бундан ташқари, мавжуд ҳуқуқни қўллаш амалиётида электрон маълумотларни тақдим этишда бюрократик тўсиқлар ҳукмрон. Хусусан, рақамли далил сифатида маълумотлар сўралганда, айрим ташкилотлар уларни Word форматида, бошқалари Excel жадвалида, учинчилари PDF шаклида тақдим этмоқда. Яна айрим банк ташкилотлари (масалан, “Uzum Bank” ва бошқалар) банк сири тўғрисидаги қонунчилик нормаларини рўқач қилиб, маълумот бериш учун банк ички юристининг хулосаси зарурлигини талаб қилса, бошқалари бундай маълумотларни фақат Марказий банк орқали олиш мумкинлигини билдиради. Натижада биргина сўров бўйича ҳам ҳар хил ёндашувлар қўлланилиши ҳисобига рақамли далилларни тўплаш ва уларни текшириш жараёни ҳаддан ташқари чўзилиб кетади.

Мазкур муаммонинг ҳал этилишини ривожланган хорижий давлатларнинг ҳуқуқий ва молиявий мониторинг амалиётидан яққол кўриш мумкин. Жаҳон тажрибасига кўра, молиявий хавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларга қарши курашишда барча молия институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида рақамли маълумотлар алмашинувининг ягона интеграциялашган тизими йўлга қўйилган. Хусусан, қуйидаги хорижий давлатларнинг махсус молиявий разведка ва

назорат тизимлари рақамли далилларни тезкор тўплаш ва текширишда яққол мисол бўла олади:

Германияда Федерал молиявий нazorat институти (BaFin) ва Молиявий разведка бўлинмаси (FIU) банк ва тўлов тизимлари билан тўғридан-тўғри рақамли интеграция қилинган бўлиб, далилий маълумотлар реал вақт режимида олинади.

Францияда эса, Молиявий разведка ва жиноий даромадларни легализация қилишга қарши курашиш бошқармаси (TRACFIN) рақамли платформаси орқали барча банклардан транзакция маълумотларини автоматик равишда талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Буюк Британияда Молиявий хавфсизликни таъминлашда Молиявий хулқ-атвор органи (FCA) ва Миллий жиноят агентлиги (National Crime Agency) ҳамкорлигида барча тижорат банкларининг маълумотлар базаси ягона стандартлаштирилган тармоққа уланган.

Швецияда эса, Швеция молиявий нazorat институти (Finansinspektionen - FI) рақамли банкинг тармоқлари билан интеграциялашган бўлиб, рақамли далилларни дарҳол қайта ишлайди.

Эстония давлатида Мамлакатда рақамли ҳукумат ва "X-Road" тизими доирасида барча банклар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотлар базаси бирлаштирилган бўлиб, у орқали ҳар қандай молиявий операция бир неча сония ичида текширилади.

Юқоридаги мамлакатларда, хусусан Марказий банк ҳузурида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг махсус вакиллари доимий равишда фаолият юритади. Хабар келиб тушган заҳоти барча зарур рақамли далиллар бир хил стандартлашган шаклда (асосан Excel ёки махсус реляцион жадвалларда) тегишли терговчига тақдим этилади ва улар қисқа муддатда текшириб баҳоланади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳатто 7-8 та хорижий давлатлар орқали транзит тарзида пул ўтказмалари амалга оширилган ҳолатларда ҳам банк карталари ва транзакциялар ҳақидаги маълумотлар узоғи билан 1 соат ичида олинади. Бу эса ўз навбатида гумон қилинувчининг пластик карталарини ўз вақтида блокировка қилиш орқали рақамли далилларни йўқотиб юбормасликка хизмат қилади.

Мавзуни аниқ амалий мисол орқали таҳлил қиламиз. Масалан, фуқаро А. ўз шахсига расмийлаштирилган 21 та пластик картани фуқаро Е. га топширади, Е. уларни бошқа шахс С. га беради, С. эса ўз навбатида мазкур карталарни Қирғизистондаги жиноий шеригига олиб бориб топширади. Мазкур ҳолатда фақат битта пластик картанинг ўзида 50 миллион сўмлик, қолган 20 та картада эса миллиардлаб сўмлик шубҳали транзакциялар содир этилган бўлиб, уларнинг ортида кўплаб жабрланувчилар турибди.

Ҳозирги кунда ана шу каби мислсиз миқдордаги пластик карталар ва уларнинг транзакциялари бўйича рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни анъанавий усулда, яъни қоғоз ёки қўлда тўпланган маълумотлар асосида амалга ошириш учун камида 6 ой вақт талаб этилади. Бу вақт ичида эса рақамли излар йўқолиб кетиши ёки гумондорлар жавобгарликдан қутулиб қолиши мумкин.

Бироқ, мазкур муаммони ҳал этишнинг инновацион йўли мавжуд. Агарда юқоридаги барча банклар, тўлов тизимлари ва тўлов ташкилотларининг электрон

маълумотлар базаси ҳозирги кунда амалиётга жорий этилаётган “Турон” сунъий интеллект электрон базасига интеграция қилинса, ушбу тизим юқоридаги мислсиз миқдордаги транзакциялар бўйича рақамли далилларни автоматик равишда тўплаб, текшириб ва ўзаро баҳолаб беради. Масалан, сунъий интеллект алгоритмлари Андижон, Навоий, Хоразм ва бошқа бир нечта вилоятларда содир этилган турли жиноятлар бўйича ҳаракатланган пуллар айнан битта ёки ўзаро боғлиқ “мана шу пластик картага” келиб тушганини дарҳол аниқлайди ва уларни ягона жиноий ишга бирлаштириш лозимлигини кўрсатиб беради. Бу эса ўз навбатида рақамли далилларни тўлиқ ва холисона баҳолаш орқали кўплаб очилмай қолган оғир ва ўта оғир кибержиноятларни тез фурсатда фош этишга хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлил ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида қуйидаги илмий-юридик таклифларни илгари сурамиз:

1. Ягона электрон маълумот алмашинув тизимини жорий этиш. Республикадаги жиноятчиликка қарши курашиш ваколатига эга бўлган барча давлат органларини Марказий банк, тижорат банклари, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари билан боғлайдиган ягона, хавфсиз ва узлуксиз ишлайдиган электрон маълумотлар алмашиш тизимини қонуний равишда йўлга қўйиш.

2. “Турон” сунъий интеллект тизими билан интеграция қилиш. Мазкур янги электрон тизимни кейинчалик Кибержиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари тасарруфидаги “Турон” электрон тизими билан тўлиқ интеграция қилиш, бу орқали рақамли далилларни автоматик тарзда тўплаш, текшириш ва комплекс баҳолаш имкониятини яратиш.

3. Банк сири ва маълумотларни тақдим этиш стандартларини унификация қилиш. Банк сири тўғрисидаги қонунчилик нормаларини рақамли тергов ва далилларни тўплаш талабларига мувофиқлаштириш, тергов ва суриштирув органларининг сўровлари бўйича электрон маълумотларни тақдим этишнинг барча банклар учун мажбурий бўлган ягона электрон форматини (масалан, стандартлашган реляцион жадваллар шаклида) қонунчилик даражасида белгилаш.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли трансформация ва кибержиноятчилик шиддат билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда рақамли далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Молиявий операциялар ва транзакция занжирларини ўрганишдаги амалий тўсиқлар, маълумотларни тақдим этишда ягона стандартларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда банк сири институтининг бюрократик тўсиқ сифатида намоён бўлиши тергов сифати ва тезкорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида миллий банклар, тўлов тизимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг электрон маълумот алмашинувини ягона платформага ўтказиш суствашликларни бартараф этишнинг асосий шартидир. Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул ва самарали йўли — молиявий-банк тизимларини амалиётга жорий этилаётган “Турон” сунъий интеллект электрон базасига тўлиқ интеграция қилишдан иборатдир.

Агарда мазкур тизим тўлақонли ишга туширилиб, барча манбалар ягона рақамли муҳитга бирлаштирилса, у ҳолда мураккаб ва кўп босқичли транзакциялар сунъий интеллект алгоритмлари орқали реал вақт режимида автоматик тарзда чуқур таҳлил қилинади. Бу эса, ўз навбатида, республикамизнинг турли ҳудудларида (масалан, Андижон, Навоий, Хоразм ва бошқа вилоятларда) тарқоқ ҳолда содир этилган, лекин биргина жиноий тармоқ ёки шубҳали пластик картага боғланган ўнлаб ва минглаб очилмай келаётган жиноятларнинг изини топиш, уларни ягона жиноят ишига бирлаштириш ҳамда фош этилмаган кўплаб оғир кибержиноятларни тез фурсатда фош этишга улкан замин яратади. Бу эса мамлакатимизда рақамли далилларни тўплаш ва баҳолаш жараёнининг сифат жиҳатидан янги — юқори босқичга кўтарилишини ҳамда жиноий даромадларнинг легализация қилинишининг олди олинишини таъминлайди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: “Адолат” нашр, 2026.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2019.
3. Каримов Б.Р. Рақамли иқтисодиёт шароитида кибержиноятларга қарши курашишнинг криминалистик муаммолари. – Тошкент: Ҳуқуқ ва бурч, 2022. – Б. 112-115.
4. Ражабов М.Т. Банк сири ва тергов ҳаракатларини ўтказишда рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиёти. // Юрист ахборотномаси, 2023. – №4. – Б. 78-84.
5. Financial Action Task Force (FATF). Virtual Assets and Anti-Money Laundering Context. – Paris: FATF/OECD, 2021. – P. 45-50.
6. European Banking Authority (EBA). Guidelines on Outsourcing Arrangements and Electronic Data Exchange in Financial Institutions. – Frankfurt, 2020.z